

Азиз фарзандларим!

Авваламбор, бугунги унутилмас ва ҳаяжонли дақиқаларда Фарғона водийсининг гавҳари бўлмиш қадимий ва навқирон Андижон заминига, чиндан ҳам бетакрор ва муҳташам мана шу майдонга тўлган сиз, азиз ёшларимизни, барча юртдошларимни, «Баркамол авлод» спорт уйинларининг иштирокчиларини чин қалбимдан муборакбод этаман.

Улар қаторида энг аввало:

ёш бўлишига қарамасдан, мамлакат, Осиё ва жаҳон чемпионлари ва совриндорлари деган шарафга муяссар бўлган ва шунга интилаётган ўғил-қизларимизни; уларни шу юксак марраларга олиб чиққан, ўз шогирдларига бутун меҳри, тажриба ва маҳоратини бағишлаган устоз-мураббийларни; фарзандларининг азму шижоати, қадди-қоматига боқиб, кўнгли тоғдай юксалиб турган барча ота-оналарни самимий қутлайман.

Мана шу ёшлик ва гўзаллик байрамни аъло даражада ўтказиш учун замонавий спорт иншоотларини бунёд этган, шу йўлда сидқидилдан хизмат қилган инсонларни, бутун Андижон аҳлини бугунги шодиёна билан қизгин табриқлайман.

Уларга, қўлингиз асло дард кўрмасин, доимо омон бўлинг, ҳеч қачон кам бўлмагн, деб, ўзимнинг энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

«Баркамол авлод» номини олган бу мусобақаларни биз Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига яна бир саҳифаси, янги давлат, янги жамият қуриш, дунёда ҳеч қандай кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш йўлидаги орзу-интилишларимизнинг ёрқин намунаси, деб биламиз.

Биз бу спорт уйинларини жондан азиз болаларимизнинг ўз қобилият ва истеъодоти тўла намоян этиши учун давлатимиз, халқимиз яратиб бераётган имкониятлар, Ватанимизнинг салоҳияти ва эртанги кунга ишончи тобора ортиб бораётганининг амалий ифодаси, деб қабул қиламиз.

Ҳеч шубҳасиз, бугун бошланаётган ушбу беллашулар нафақат Андижон вилоятида, умуман юртимизда амалга оширилаётган, икки-уч йил аввал тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган бекиёс ўзгаришларни ўзида яқол муҳассам этди.

Мен ишонаман, бу мусобақалар юксак савияда, галабага интилиш, ҳалоллик ва мардлик руҳида ўтади, ёшларимизнинг парвозига қанот беради, уларни иродаси мустаҳкам, эл-юртига садоқатли, Ватан ҳимоясини ўз зиммасига олган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилади.

Албатта, бундай катта спорт уйинларининг жўшқин ва кескин курашларга бой бўлиши, майдонга тушган ҳар бир иштирокчи зафар қозониш учун бор куч ва имкониятини сафарбар этиши табиий. Шу билан бирга, бу мусобақаларда барча спортчиларни бирлаштирадиган ягона руҳ - дўстлик ва биродарлик руҳи барқарор бўлади, деб ишонаман.

Агарда қимми бизнинг бугунги хурсандчилик ва фахру гуруримизни, шу қувончли лаҳзаларда юрагимиздан кечаётган ҳиссиётларни англамоқчи бўлса, майдон узра порлаб турган, ёшларимиз қалбининг тимсоли бўлган мана шу машъалага бир назар ташласин. Ишончим комилки, бундай гўзал манзара, бундай улғувор тантанавга гувоҳ бўлган ҳар қандай инсон кўнглида гурур ва ифтихор билан бирга, қадимий ва навқирон она юртига меҳр туйғуларни уйғониши муқаррар.

Азиз ўғил-қизларим!

Барчангизни бағримга босиб «Баркамол авлод» спорт уйинларининг бошланиши билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлайман. Юксак марраларни эгаллашда ҳар бирингизга ғайрат-шижоат, омад ва бахт ёр бўлсин, қадри фарзандларим!

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 6 июн, жума № 87 (1512)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 июн куни Оқсаройда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония-Ўзбекистон қўмитаси раиси, «Мицубиси» компанияси бошқаруви раиси Нобуо Охашини раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.



2002 йилнинг июлида ўзаро стратегик ҳамкор эканлигини эълон қилган Ўзбекистон ва Япония икки томонлама муносабатларни

жадаллик ва изчиллик билан ривожлантириб келмоқда. Кўни кеча пойтахтимизда иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония

ва Япония-Ўзбекистон қўмиталарининг навбатдаги қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу тадбир ўзаро алоқалар кўламини кенгай-

тиришининг янги имкониятларини очиб бериши шубҳасиз.

Сўхбат чоғида Президент Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбарияти Япония билан ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор беришини, қарор топган муносабатларни юксак қадрлашини таъкидлади.

Таъкидлаш жоизки, Япония ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликка катта аҳамият беради. Зеро, мамлакатларимиз нафақат иқтисодий алоқалар, балки сибёст, жумладан, халқаро масалалар борасида ҳам кўп жиҳатдан ҳамфикр.

Оқсаройдаги сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш, мамлакатимизга Кунчиқар ўлкадан келтирилаётган замонавий технологиялар ва жалб этилаётган япон сармояси ҳажмини оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(Ўза)

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ УЧУН ЯШАШ - БАРЧАМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР

4 июн куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди

Мажлисда мазкур кенгаш аъзолари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорни Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги йиғилишдан асосий мақсад - бундан олти ой муқаддам ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятига танқидий нуктаи назардан баҳо бериш, эришилган натижалар, йўл кўйилган камчилик ва нуқсонларни ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб, тегишли хулосалар чиқариб олишдан иборат эканини таъкидлади.

Даставвал Ҳомийлик кенгаши ўтган галги йиғилишларида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши билан боғлиқ масала муҳокама қилинди. Мазкур масалага бағишлаб 2002 йил 29 декабрда ва 2003 йил 7 февралда жамғарма Ҳомийлик кенгаши мажлислари ўтказилган. Уларда жамғарманинг мақсад-вазифалари ва фаолият йўналишлари, марказий идораси ва жойлардаги тузилмалари ҳақида, умуман, мана шу янги ташкилот билан боғлиқ барча таъкил-лаш, молиявий масалалар тўғрисида атрофлича фикрлашиб олинган эди.

Хусусан, 7 февралдаги мажлисда жамғарма фаолияти бўйича ҳар бир муқаддам идора ва ташкилот, барча раҳбарлар зиммасига аниқ вазифалар юклатиб, болалар спортини борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос табиий иқлим шароити ва аъёнчаларига мос келадиган истиқболли спорт турларини танлашда илмий асосда ёндашув, спорт мактаблари ва секцияларининг ишини тўғри

ташкил этиш, ўқувчилар қалбида спортга қизиқиш, ҳавас ва интилишни тарбиялаш муҳимлигига алоҳида урғу берилган.

Албатта, ўтган вақт мобайнида жойларда бу йўналишда бирмунча ишлар қилинганини айтиб ўтиш лозим. Лекин, биз ўз олдимизга қўйган юксак талаблар нуктаи назаридан мавжуд вазиятга баҳо берадиган пухта афсуски, ишларнинг аҳоли қириққираси эканини кўрамыз, - деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари биринчи галда мамлакатимизда болаларнинг спорт билан шуғулланиш даражаси қандай эканига эътиборни қаратди. Республикада 6 миллион 528 минг нафар 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган бола бор. Бу маъна асосидан ахборот берган жамғарма раиси А.Мирқосимовнинг айтишича, бугунги кунда ана шу болаларнинг атиги 432 минг нафари, яъни 6,7 фоизини спорт билан мунтазам шуғулланади. Халқ таълими вазирлиги Р.Жўраев эса бу борада бошқарув раҳбарларини айтиди. Унинг сўзларига қараганда, республикамиз бўйича ҳозир қарийб 26 фоиз бола спорт билан доимий равишда машғул.

Гап рақамларда эмас, - деди Президентимиз. - Асосийси, бу рақамлар, кўрсаткичларнинг бутун қилаётган ишчилик қараб эртга ўсиши, ўзгаришидир. Ҳужақурсинга рақамбозлик қилишдан қурғ, соғлом авлод тарбияси муҳим эканини унутмайлик. Бу борадаги барча ишларимиз мав-

жумли эмас, давомли, чуқур ўйланган бўлмоғи даркор. Президент йиғилганлар эътиборини мамлакат миксидан қанча спорт иншоотлари мавжудлигига улардан неча фоизи ишлаётганига қаратди. Маълумотларга кўра, республикамиздаги мавжуд спорт иншоотларидан 30-40 фоизи ишламоқда.

Спорт иншоотларидан тўлиқ фойдаланилмаётганининг асосий сабаблари спорт мураббийлари етишмаслиги, жойлардаги мутасадди раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, замонавий спорт анжомларининг камлиги билан боғлиқ муаммолар эканлиги айтиб ўтилди.

Президент жойлардаги ишлар билан спорт иншоотлари билан боғлиқ барча муаммоларни ўрганиб чиқиб, уларнинг ечимини топиш ва ҳал этиш, мавжуд спорт иншоотларини тўри, қонуний ва фойдали ишлатишни таъминлаш бўйича махсус комиссия тузиш юзасидан тегишли топшириқлар берди.

Мактабларда жисмоний тарбия дари ҳафтасига атиги икки соатни ташкил этди. Кишлоқ мактабларида эса қиш мавсумида бу дарс ҳам тўла ўйинмайди. Мамлакатимиз раҳбари алоқадор вазирликлар зиммасига ушбу масалани кўриб чиқиш вазифасини юклатди.

Спорт билан шуғулланадиган ҳар қандай инсон ўзини яхши кўради, ўзини ҳурмат қилади, Бошқача айтганда, ўзини яхши кўрадиган одам спорт билан шуғулланади, фарзандларини ҳам спортга жалб этади. Бунинг қўллаб-қувватлашини, аҳоли қириққираси спорт маданиятини юксалтиришга эришишимиз керак, - деди Президентимиз. - Аммо кишиларимизнинг кундалик эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамиятга эга

дўқонлару ошоналар ўрнида турли кўнгилоҳар жойлар, хусусан, биллирақоналар қуришининг спортга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Президентимиз болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳаларини тасдиқлаш билан боғлиқ масалага тўхталиб, ҳар бир лойиҳа жойларда ҳокимлар ва мутахассислар иштирокида чуқур ўрганилиб, тақлифлар танқидий мулоҳазалар асосида тасдиқлангани мақсада мувофиқ эканини айтди. Жойларда Андижон, Хоразм ва Бухоро вилоятлари марказларидаги каби стадионларни барпо этиш тажрибасини ҳар томонлама пухта ўрганиб, уни асос қилиб олиш ва амалда татбиқ қилишни тавсия этди.

Ҳаммамиз тушунамиз - ҳокимларнинг зиммасидаги маъсулият катта, уларга ишониб топширилган вазифалар бир-биридан муҳим, - деди Ислом Каримов. - Албатта, пахта ҳам, галла ҳам керак. Аммо бу ишларнинг ўз эгаси - деҳқон бор, фермер бор, тегишли мутахассислар бор. Уларга ҳалақат бермасангиз бўлди, ўзлари ишини билиб қилаверадилар.

Ҳокимнинг, раҳбарнинг энг асосий вазифаси - аввало, мамлакатда олиб борилаётган давлат сиёсатини, унинг устувор йўналишларини, стратегик мақсадларини тўғри тушуниш, одамларнинг, ёшларимизнинг эртанги кунини ўйлаш, бунинг учун муносиб шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Эртанги кунимиз, миллатимизнинг келажиги, авваламбор, нимага боғлиқ? Ўз-ўзидан аёни, бу биринчи галда фарзандларимизнинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол воғга етишишига боғлиқ.

(Давоми 2-бетда)

ИЛК ГАЛАБАЛАР ҚУВОНЧИ

«Баркамол авлод-2003» республика спорт мусобақалари миллионлар ўйини ҳисобланган футбол билан бошланди.

ФУТБОЛ. Шаҳрихон ва Олтинқул туманлари марказий стадионларида бўлиб ўтган дастлабки учрашувада яшил майдонга чиққан наманганлик футболчилар навоийлик тенгқурлари устидан 3:0 ҳисобида устун келган бўлса, қорақалпоғистонлик ёшлар мусобақа мезбонларига 2:0 ҳисобида имкониятни бой берди. Жиззах вилояти ва Тошкент шаҳри жамоалари баҳсларида жаззаклик ёшлар 2:1 ҳисобида галаба қозонди. Олтинқул тумани стадионида Ўзаро баҳслашган Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари футболчи ёшлар

ри учрашувида 0:3 ҳисоби қайд этилди. Сирдарё ва Қашқадарё ёшлари учрашуви 0:1 ҳисобида яқунланди.

КҮЛ ТҮПИ. Олимпия захиралари спорт коллежида бошланган қизлар мусобақалари ҳам қизиқарли ва муросасиз курашларга бой бўлди. Дастлаб майдонга тушган Самарқанд вилояти қизлари жамоаси қашқадарёлик спортчилар устидан 18:11 ҳисоби билан муваффақият қозонди. Тошкент вилояти ва Бухоролик қизлар беллашувида 34:17 ҳисоби қайд этилди. Қорақалпоғистонлик ёшлар жаззакликларга 12:19 ҳисобида имкониятни бой берди. Усмилар ўртасидаги баҳсларда фарғоналик ёшлар жаззакликларни 43:23,

Хоразм вакиллари Қорақалпоғистон ёшларини 32:17, Бухороликлар Наманган вилояти жамоасини 24:23 ҳисобида мағлуб этди.

ВОЛЕЙБОЛ. Марҳамат туманидаги кишлоқ ва сув ҳўжалиги коллежиде бошланган қизлар ўртасидаги мусобақаларда Бухороликлар Қорақалпоғистон вакилларига ҳеч қандай имконият қолдирмай 3:0 ҳисобида галаба қозонди. Самарқанд вилояти жамоаси қашқадарёликларга 2:3 ҳисобида ютқазган бўлса, хоразмликлар Сирдарё вилояти спортчиларини 3:0 ҳисобида доғда қолдирди. Шу тумандаги қурилиш ва коммунал хизмат касб-ҳунар коллежиде кечган ўсмилар баҳсида Бухоро ва Навоий ёшлари Сурхондарё ва Самарқанд жамоаларидан устун келди.

(Ўза)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ А.М.Жўраевни Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Абдувоҳид Маматқулович Жўраев - Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкент шаҳри, 2003 йил 5 июн

И.КАРИМОВ

БАРКАМОЛЛИК САРИ ЙЎЛ

5 июн куни Андижонда «Баркамол авлод-2003» спорт ўйинлари бошланди

Дунё миксидеги кўнгина йирик спорт мусобақаларида Ўзбекистон ёшлари яхши натижаларга эришмоқда. Спорт ёш, муқтақил давлатимиз доврўгини дунёга таратишда ва халқ орасида соғлом турмуш тарзи қарор топишида улкан рол ўйнамоқда. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби ёшлар анжуманлари мамлакат спорт ҳаётидан муқтаҳкам ўрин эгаллади. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан яратилган, ўсиб келаётган авлодни жисмоний тарбиялашнинг ноёб уч бугунги тизими Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига амалга оширишнинг стратегик муҳим қисмига айланди.

Энг муҳими, соғлом турмуш тарзи қарор томоқда, одамларнинг, аввало, ёшларимизнинг ўз саломатлигига муносабати ўзгармоқда. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вазирлик кенгашининг навбатдаги мажлисида ана шу ҳақда ва бошқа муҳим вазифалар хусусида сўз борди. Унда Президент Ислом Каримов, жумладан шундай деди: «Болаларимиз соғлом бўлса, миллатимиз бақувват бўлса, ҳаёт синовлари ва қийинчиликларидан кўркмайди, иродаси муқтаҳкам бўлса, энг муҳими шу. Мана шу гою учун жон қуйибди яшаш ва ишлаш керак». Бугунги кунда фарзандларимизни ҳар томонлама ривожланган инсонлар қилиб тарбиялаш, спортини, унинг устувор йўналишларини, стратегик мақсадларини тўғри тушуниш, одамларнинг, ёшларимизнинг эртанги кунини ўйлаш, бунинг учун муносиб шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Эртанги кунимиз, миллатимизнинг келажиги, аввало, нимага боғлиқ? Ўз-ўзидан аёни, бу биринчи галда фарзандларимизнинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол воғга етишишига боғлиқ.

Шу боис ушбу спорт мусобақалари йилдан-йилга оммавийлашиб, тобора кенг микс қасб этиб бормоқда. Икки йил аввал, Жиззахда ўтказилган биринчи «Баркамол авлод» ўйинларида ўрта махсус касб-хунар таълим тизимида таҳсил олаётган йигит ва қизлар спортнинг саккиз тури бўйича мусобақалашган эди. Бу сафар мусобақалар дастурига 14 та спорт тури киритилди. Ўқув йили давомида мусобақаларга 270 минг нафар ўқувчи жалб этилди. Финал мусобақаларида иштирок этиш учун Андижонга шаҳар, туман ва вилоят босқичларида голб чиққан 2786 нафар йигит-қиз тўпланди. Мамлакатимизнинг ҳамма вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари бир ҳафта давомида маҳорат ва эпчилликда баҳс олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси коллеж ва лицей ўқувчилари иккинчи «Баркамол авлод» спорт ўйинлари Олий ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус ва касб-хунар таълими

маркази, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон ёшларининг «Қамолот» ижтимоий ҳаракати томонидан Андижон вилояти ҳокимлиги, қатор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ташкил этилди.

«Баркамол авлод-2003» финал ўйинларига тайёргарлик давомида Ан-

дижонда қисқа даврда замонавий ва яхши ҳиҳозланган Олимпия захиралари спорт коллежи бунёд этилди. Бундан ташқари мусобақа мезбонлари қўллаб спорт объектлари, коллеж ва лицейлари тўлиқ таъмирдан чиқарди ва замонавийлаштирди. Спорт ўйинлари вилоят марказининг спорт майдонлари, Хонобод, Шаҳрихон, Олтинқул, Марҳамат туманларининг замонавий стадионлари ва спорт майдонларида ўтказилди.

Шу кунларда Андижоннинг кўча ва хиёбонлари, майдон ва боғлариде ажайиб байрам руҳи ҳукмрон. Шаҳарнинг бош спорт майдони - Олимпия захиралари коллежи, айниқса гавҳум. Мусобақалар очилишига бу ерда минглаб андижонликлар ва анжуман меҳмонлари йиғилган. 20 минг томошабинга мўлжалланган марказий стадион трибуналари лик тўла. Катта спорт мажмуининг барча объектлари байрамона безатилган. Яшил майдон атрофида анвойи гуллар ва ҳаво шарлари турли рангларда ял-ял товланди.

Ўйинларнинг очилиш маросими катта байрамни бошлаб берди. Театрлаштирилган томоша мусобақа қатнашчиларининг кўнглига ўт қувчи, галабага бўлган иштиқини ёлқинлантирувчи юксак гошлар ёркин асб этди. Карнай-сурнай садолари остида яшил майдонга Қорақалпоғистон, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари - мамлакатимиз ёш спорт авлоди вакиллари кириб келди. Бадий ҳаваскорлик қатнашчиларининг турфа хил либослари ва байрамона безаклар яшил майдонда жилва қилди. Андижон ҳарбий қисмида хизмат қилаётган ёш аскарлар томошабинларнинг қарсақлари ва ҳайқирқилари остида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва «Баркамол авлод-2003» ўйинлари байроғини олиб қиради.

Тантанали маросимни Андижон вилояти ҳокими К.Обидов очди.



Президент Ислом Каримовнинг «Баркамол авлод» спорт мусобақалари иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат маҳфияси янграйди. Сўнг стадион узра мусобақа қатнашчилари ва ҳакамларнинг тантанали қасамдари таралади.

Тантананинг энг ҳаяжонли дамлари яқинлашади. Стадионнинг югуриш йўлакчасида машъала кўтарган ёшлар пайдо бўлади. Улар Паркент туманидаги «Физика-Кўёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси материалшўнослик институти кўёш оловхонасида ёқилган оловни иштирокчилар, меҳмонлар ва томошабинларнинг гулдўрус қарсақлари остида бутун стадион бўйлаб олиб ўтади. Бошланаётган мусобақаларнинг катта машъаласини кураш бўйича республика чемпиони, Андижон олимпия захираси коллежи ўқувчиси Гулнеҳра Омонова ва бокс бўйича республика чемпиони, Асака академик лицейи ўқувчиси Элёр Ғуломов ёқади. Ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний куч-қудрати раъзи бўлган машъала осмонга қўй қузади.

Чирокларнинг ранг-баранг нурлари байрамга ўзига хос фанг бағишлайди. Миллий қонғу асбоблари наволари остида очилиш маросимининг концерт дастури бошланади. Музика ва қўшқалар трибуналар ва яшил майдондаги таъсирчан манзараларга ҳамоҳанг жаранглайди. Замонавий меймори иншоотлар тасвирлари мусобақада қатнашаётган вилоятлар номлари, «Баркамол авлод», «Ўзбекистон», «Спорт», «Тинчлик» сўзлари билан алмашади.

Байрам дастурида «Ўзбекнаво» республика эстрада бирлашмаси, Андижон вилояти маданият ишлари бошқармаси артистлари, мамлакатимиз рақс жамоалари иштирок этди. Оммавий чўқшларда Андижон вилоятининг коллеж, лицей ва мактабларидан минглаб йигит-қиз қатнашди.

Тантанали очилиш маросими якунида яшил майдон йигит-қизлар билан тўлади. Улар бутун стадионни эгаллайдиган улкан мусобақа байроғини болалари узра кўтарди ва у шомолда тўлқинланади, чироклар нурлари остида жилванди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон йигит-қизларининг иккинчи бор ўтказилаётган «Баркамол авлод - 2003» спорт ўйинлари бошланди. Энди бир ҳафта давомида Андижон мамлакатимизга қўллаб истеъодли спортчилар номларини кашф этади. Ёш спортчилар авлоди мусобақаларда чиқиб, тажрибасини ортиради, ва табиийки, уларнинг энг истеъодли вакиллари келгусида жаҳон спорт майдонларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

«Баркамол авлод-2003» ўйинларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Х.Кароматов иштирок этди.

Илҳом РАЗЗОКОВ, Раульжон КАМОЛОВ, Ўза мухбирлари

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ УЧУН ЯШАШ - БАРЧАМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР

(Боши 1-бетда)

Биз яна битта бюрократик ташкилот тузганимиз йўқ, - деб таъкидлади Президент. - Шунинг учун бўлар-бўлмаб одамларни - хар хил танишбилешларни бу ишга тиқиштириб, яхши ният билан бошланган характерининг обрўсини туширмаслик керак.

Болалар спортини ривожлантириш деган иборанинг асл мазмун-моҳияти нима? Бу тушунчанинг замирида нималар мужасам? Давлатимиз раҳбари мажлис ахлининг эътиборини ана шу масалаларга қаратади.

Барчангиз бир ҳақиқатни яхши тушуниб олишингизни истардим, - деди Ислам Каримов. - Болалар спортини ривожлантириш дегани - ҳамма профессионал спорт билан шуғуллансин, ҳамма чемпион бўлсин, дегани эмас.

Ёшларимиз орасидан чемпионлар етишиб чиқиши, жаҳоннинг энг нуфузли майдонларида байрогимизни кўтариб, Ватанимиз шанини бутун дунёга таратиши қувонарли, албатта. Бундай гулбалар хар биримизга фуру-ифтихор бахш этишини ҳаммамиз тан оламиз. Бугун кунда ёш ўғил-қизларимиз орасидан ана шундай чемпионлар етишиб чиқапти ва бундан кейин ҳам чиқаради. Бунинг ҳам зарур чора-тадбирларини кўраямиз. Мен ишонман - бу ишлар албатта ўз натижасини беради.

Ушбу қарорда спорт журналистикаси соҳаси ходимларини тейёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг ўзига хос миллий тизимини шакллантириш, спорт нашрлари ва бу соҳага ихтисослашган бошқа оммавий ахборот воситаларининг моддий-техникавий базасини яхшилаш, спорт журналистларини рағбатлантириш чора-тадбирлари белгилаб берилиши керак. Уйлайманки, шу мақсадда мамлакат телевидениеда махсус «Спорт» каналини ташкил этиш ўринли бўлади.

Мустабид тузум даврида кўпчилигининг онгига чуқур ўрнашиб қолган нохуш бир одат, афсуски, бизнинг ҳаётимизда хали-бери яшаб келмоқда. Бу одат, лунда қилиб айтганда, лоқайдлик, беғамлик, масулиятсизликдир. Кўпчилигимиз ўз умрини яшаб бўлган эски тушунчалар, тараққиётга гов бўлаётган эскича муносабатларга кўникиб кетганмиз. «Бизга шу ҳам бўлаверадим» деган қарашни табиий ҳол деб қабул қиламиз.

Йўқ, энди очик, баралла айтиш керак: энди бундай яшаб бўлмайди. Энди лоқайдлик, қоқоқликни туғдирадиган, тараққиётимизга тўсиқ бўладиган бундай қарашларга мутлақо чек қўйиш керак. Энди ҳаммамиз бутунлай янгича - бугун замоннинг ўзи тақозо қилаётган талаблар билан яшашимиз, ҳаётга муносабатимизни бутундан ўзгартиришимиз, толабларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун қўлимиз-

дан келган, имконимизда бўлган барча ишни қилишимиз, миллат келажаги учун ёниб яшашимиз зарур.

Миллат келажаги учун яшаб барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи керак. Агар шу эзгу ният билан яшасак, уни амалга ошириш учун курашсак, бошланган ижобий ишларимизни охирига етказсак, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонимизнинг келажаги буюқ бўлади, деди пировардида Президентимиз.

Мажлисда жорий йилда республика ҳамда ҳудудлар миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури ва жамғарманинг 2003 йил ҳаётимизда хали-бери яшаб келмоқда. Бу одат, лунда қилиб айтганда, лоқайдлик, беғамлик, масулиятсизликдир. Кўпчилигимиз ўз умрини яшаб бўлган эски тушунчалар, тараққиётга гов бўлаётган эскича муносабатларга кўникиб кетганмиз. «Бизга шу ҳам бўлаверадим» деган қарашни табиий ҳол деб қабул қиламиз.

Йўқ, энди очик, баралла айтиш керак: энди бундай яшаб бўлмайди. Энди лоқайдлик, қоқоқликни туғдирадиган, тараққиётимизга тўсиқ бўладиган бундай қарашларга мутлақо чек қўйиш керак. Энди ҳаммамиз бутунлай янгича - бугун замоннинг ўзи тақозо қилаётган талаблар билан яшашимиз, ҳаётга муносабатимизни бутундан ўзгартиришимиз, толабларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун қўлимиз-

дан келган, имконимизда бўлган барча ишни қилишимиз, миллат келажаги учун ёниб яшашимиз зарур.

Ислоҳот одимлари

Корхонада кўпгина юмушлар мавсумий бўлганлиги сабабли баъзан ишчилар 2-3 ойлаб бекор туриб қолишарди. Шу боис, завод қошида пилани қайта ишлаш чеҳи қурилиб, фойдаланишига топширилди. Унга керакли дастгоҳларни топиш унчалик қийин кечма-

ди. Корхонада кўпгина юмушлар мавсумий бўлганлиги сабабли баъзан ишчилар 2-3 ойлаб бекор туриб қолишарди. Шу боис, завод қошида пилани қайта ишлаш чеҳи қурилиб, фойдаланишига топширилди. Унга керакли дастгоҳларни топиш унчалик қийин кечма-

ди. Корхонада кўпгина юмушлар мавсумий бўлганлиги сабабли баъзан ишчилар 2-3 ойлаб бекор туриб қолишарди. Шу боис, завод қошида пилани қайта ишлаш чеҳи қурилиб, фойдаланишига топширилди. Унга керакли дастгоҳларни топиш унчалик қийин кечма-

ди. Корхонада кўпгина юмушлар мавсумий бўлганлиги сабабли баъзан ишчилар 2-3 ойлаб бекор туриб қолишарди. Шу боис, завод қошида пилани қайта ишлаш чеҳи қурилиб, фойдаланишига топширилди. Унга керакли дастгоҳларни топиш унчалик қийин кечма-

ди. Корхонада кўпгина юмушлар мавсумий бўлганлиги сабабли баъзан ишчилар 2-3 ойлаб бекор туриб қолишарди. Шу боис, завод қошида пилани қайта ишлаш чеҳи қурилиб, фойдаланишига топширилди. Унга керакли дастгоҳларни топиш унчалик қийин кечма-

ҚЎҒАЙ МАҲСУЛОТИГА ИТАЛИЯ ТАЛАБГОР

Ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиши ва янги иш ўринларини барполаётган шарт-шароитлар тадбиркорлик ва ишбилармонлик қилишга, ўзини ўзи бошқариб, моддий фаровонликни таъминлашга имкон берди. Мавжуд технологиялар қайта таъмирланиб, қуввати оширилди натижасида ўтган мавсумда корхона ишчилари 19 минг 368 тонна пахтани қабул қилиб, қайта ишлашга эришди. Сарф-харажатларни қамайтириш эвазига ишчи кучи тежалди. Таннарх ҳам аввалгиларга қараганда беш фоиз арзонлашиб, маҳсулот сифати жаҳон талабларига мослашди. Меъёрий шартларга амал қилинганлиги боис, маҳсулотнинг саксон беш фоизи асосан экспортга - яъни Италия, Россия, Франция, Англия каби давлатларга сотилди.

Илгор технологиянинг илганлиги ишчилар моддий манфаатдорлигининг ортишига, уларни ҳар то-

монлама қўллаб-қувватлашга шараф етратди. Бир мишол. Жорий мавсумда ишчиларнинг ойлик-маошлари 20 мингдан 33 минг сўмга, моддий таъминот 8 мингдан 18 минг сўмга кўпайди. Бу жамоа шартномасида кўзда тутилганига нисбатан икки хисса кўлдир.

Ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиши ва янги иш ўринларини барполаётган шарт-шароитлар тадбиркорлик ва ишбилармонлик қилишга, ўзини ўзи бошқариб, моддий фаровонликни таъминлашга имкон берди. Мавжуд технологиялар қайта таъмирланиб, қуввати оширилди натижасида ўтган мавсумда корхона ишчилари 19 минг 368 тонна пахтани қабул қилиб, қайта ишлашга эришди. Сарф-харажатларни қамайтириш эвазига ишчи кучи тежалди. Таннарх ҳам аввалгиларга қараганда беш фоиз арзонлашиб, маҳсулот сифати жаҳон талабларига мослашди. Меъёрий шартларга амал қилинганлиги боис, маҳсулотнинг саксон беш фоизи асосан экспортга - яъни Италия, Россия, Франция, Англия каби давлатларга сотилди.

Илгор технологиянинг илганлиги ишчилар моддий манфаатдорлигининг ортишига, уларни ҳар то-



Гулум МИРЗО, ЎЗА шарҳловчиси



Тошкент туманидаги «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалигига қарашли цехда ишлаб чиқарилаётган колбаса маҳсулотлари ўз сифати билан истеъмолчилар эътиборини қозонди. Ҳозирда хориж технологияси асосида бир сменада бир тоннадан ортиқ 10 турдаги маҳсулотлар сотувга чиқарилмоқда. Ушбу цехда 30 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Уларнинг унумли ишлаб, кўнгилли дам олишлари учун маъмурият томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Суратларда: ишлаб чиқариш жараёнидан лавҳалар.

Гулум ХИДИРОВ олган суратлар.

Республикамиз шифо масканларида ТОҒЛАР ҚЎЙНИДА

Ўзбекистоннинг «Швейцарияси» деб таърифланадиган Бўстонликнинг сўлим тоғ ён бағирларида жойлашган Республика Геология Давлат Кўмитасининг «Чотқол» сихатгоҳи 1975 йилда ташкил топган. Бу ерда юрак, асаб, таянч ҳаракати, ошқозон-ичак ва юрак-томир касалликлари билан оғриган кишилар даволанишади. Санаторийнинг ўзига хос табиий иклими, тоза тоғ ҳавоси одамларнинг тўлиқ хордиқ чиқариши ва даволаниши учун қулай шaroит яратади. Шу боис денгиз сатҳидан 610 метр баландликда, Чотқол, Пском, Угам тоғ тизмалари ён бағирларида жойлашган сихатгоҳга юртимизнинг турли бурчакларидан, ва ҳатто хорижий давлатлардан кўплаб беморлар шифо истаб келишади.

Сихатгоҳ 330 ўринга мўлжалланган бўлиб, дам олувчилар учун барча қулайликларга эга. Жумладан, алоҳида дам олувчилар учун махсус хоналар, оилавий дам олувчилар, она ва бола учун эса коттежлар бунёд этилган. Дам олиш хоналари энг замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Даволанувчилар учун массаж, муолажа, ванна хоналари ишлаб турибди. Катталар ва болаларга аталиб алоҳида ёзги бассейн қурилган. Теннис корти, спорт зали дам олувчилар ихтиёрида. Махсус коттежларда оилавий ёки жамоа бўлиб дам олиш мумкин. Сихатгоҳ ўзининг мўъжазгина ҳайвонот боғига ҳам эга. Бу ерда «Кизил китоб» га киритилган ўнлаб турдаги ноёб ҳайвон ва қушларни учратиб олиш мумкин.

Санаторийда махсус иссиқхона мавжуд бўлиб, унда шифобахш лимон етиштирилади. Сихатгоҳ замонавий совутигичлар билан жиҳозланган кўп ўринли ошхонага ҳам эга. Бу ерда дам олувчилар кунига тўрт маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Сихатгоҳ қошида нон тайёрлаш чеҳи бўлиб, миқозларга хизмат кўрсатади. Кутубхона, тренажёр заллари ҳам хордиқ чиқарувчилар хизматида.

Санаторийга хар йили 4 минг нафардан зиёд киши келиб соғлиқларини тиклаб қайтади. Уларга юқори малакали 4 нафар ҳаким 14 та ҳамшира бириктирилган. Алоҳида тайинланган йўриқчи раҳбарлигида дам олувчилар хар ҳафтада тоққа сەҳатга чиқишади. Бундай тадбирлар беморларнинг тезроқ соғайиб тансиҳатлиликка эришишида муҳим ўрин тутаётди.

Даволаш масканида яратилган шарт-шароитлар билан танишиш асосида касабга уюшма кўмитасининг фаолияти билан ҳам қизиқдик.

Жамоамизда 130 нафар ҳодим меҳнат қилади, - дейди кўмита раиси Муяссар Холиқова. - Касаба уюшма кўмитаси билан маъмурий ўртасида жамоа шартномаси тузилган бўлиб, унинг бандлари асосан бахариб бориляпти. Ойлик маошини тўлашда ҳеч қандай муаммо юзага келгани йўқ. Хар бир байрам даргоҳимизда муносиб нишонланади. Утган «Қарияларни қадрлаш» йили муносабати билан 22 нафар меҳнат фойдаси 10 кундан бепул дам олиш имкониятига эга бўлишди. Барча сарф-харажатлар санаторий касабга уюшма кўмитаси ҳисобидан қопланади. Кам таъминланган оила фарзандлари ҳам бепул укув-қурооллари билан таъминланади.

Сихатгоҳда яратилган қулайликлардан яна бири шуки, бу ерда беморлар доривор ўсимликлар, минерал сувлар билан ҳам даволанади.

Бу ерга 5 йилдан бери келаман, - дейди Самарқанд архитектура - қурилиш институтининг профессори Нусратилла Сафаров. - Қон бошими ва гипертония касаллиги билан оғриб қолгандим. Ҳамшираларнинг хушмуомалалиги ва уларнинг сая-ҳаракати туфайли тез кунда соғайдим.

Аллергия билан касаллангандим, - дейди Тошкент шаҳридан келган 54 ёшли Мавжуда Раҳимова. - Бир неча йилдан бери шу ерда шифо топиб кетаман. Беморларга яратилган қулайлик ва кўрсатилган муолажалар боис, тез кунларда касаллигидан фориғ бўлдим. Бундай миннатдорчилик сўзларини кўплаб эшитиш мумкин. Чунки бу ерда даволанаётган беморларга шaroит ва хизматлар кўнгилдагидек. Бундан бир неча йил олдин шифо масканининг моддий аҳоли ноқорлашиб, банкрот ҳолатига тушиб қолган эди. Янги раҳбар Абдумалик Мавлонов келган, аҳвол тўдан яхшиланди. Асосий эътибор ҳудудни ободонлаштириш ва моддий техника имкониятларини қайтадан қўриб чиқишга қаратилди. Натижада, қисқа фурсатда даргоҳ ўзининг асл қиёфасини тиклади ва миқозлар билан гажувлашди. Ҳозирда сихатгоҳдан кишини-ёшини одам аримайди. Бошқача айтганда ўз фаолияти давомида миллион нафарга яқин беморларга соғлиқ ато этган Чотқол санаторийси ҳамон хизматда.

О. КАМОЛИДИНОВ

«ВЕЛАН» — ШИФОБАХШ

Беш йил илгари Зарафшон шаҳрида «Велан» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ташкил этилган эди. Эндиликда қўшма корхона маҳсулотлари мамлакатимиздан ташқари Россия, Қозғистон, Тоғжикистон ва бошқа қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Маҳсулотларимиз асосан туя жунидан тайёрланади, дейди қўшма корхона бош директори Зинаида Дементьева. Айниқса, одеваларимиз ўзининг иссиқлиги ва шифобахш хусусиятига кўра Франция, Италия ва Туркия маҳсулотларидан қолишмайди. Улар шомоллаган, асаблари толиққан беморлар учун гоё фойдали бўлиб, касаллигининг олдини олиш хусусиятига ҳам эга. Айни пайтда корхонамизда катталар ва болалар кемпелари, қилиш кийим кечаклари, ўн илдан ортиқ одевалар ишлаб чиқариламоқда. (ЎЗА)

ЧЕК БЕРИШНИ «УНУТИБДИ»

Жиззах вилоятидаги шаҳар ва туманларда 13 та истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти, 310 та таянч гуруҳлари таркибиде 1095 нафар аъзо фаолият олиб борапти. Айтиш мумкинки, бу борада жамоатчилик иштироки фаоллашмоқда.

Жиззах шаҳар, Шифокор кўчаси 9-уй, 12-хонадонда истиқомат қилувчи О.Рустамова «Зебо» дўконидан «JINLIPI» маркази телевизорни бир йиллик қофалат муддати билан 72 минг сўмга харид қилиб олади. Орадан 7 ой ўтиб телевизорнинг нуқсонлари маълум бўлади. Бу ҳақда дўкон мудир О.Каримовга мурожаат қилганида, у хар хил баҳоналар билан истеъмолчи талабини қондирмади. Бошқарма аралашуви билан истеъмолчи талаби қаноатлантирилиб, унинг телевизорни алмаштириб берилди.

Жиззах шаҳридаги «Иттифок» маҳалласида яшовчи С.Каримова, М.Муқимовлар маҳалладаги «Васила-А» савдо фирмасига қарашли озиқ-овқат дўконидан маҳсулот харид қилишганида сотувчи уларга касса чеки бермади. Текширишда бу факт ўз тасдиғини топди. Амалдаги қонунга кўра, савдо фирмасига энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдориде, унинг раҳбари

Истеъмолчи манфаати муқаддас

А.Турғунбоевга Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Қодексининг 178-моддасига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробари миқдориде жарима қўлланилди.

Шунингдек, «Кўк бозор» худудиде фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркорлар А.Ашурматов, Ф.Салимов, «Фарҳод» савдо уйиде хизмат қилаётган тадбиркор К.Худойбердиевалар ҳам бошқарма аралашуви билан харидорларнинг талабини қондиршига мажбур бўлишди.

Жорий йилнинг 1-чорагида бошқарма томонидан корхона ва савдо шохобчаларига «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари бузиллиши юзасидан 14 та ёзма кўрсатма берилди. Ўз ишига лоқайдларча муносабатда бўлган «Жиззах - Балиқ» ҳиссадорлик жамияти ва «Шифокор-К» хусусий корхоналари энг кам ойлик иш ҳақининг 70 баробари, раҳбарлар эса энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробари миқдориде жарима тўлашга мажбур бўлишди.

ЖАРИМА ЖАБРИ

Ю.Ражабий номли вилоят мусикали драма театри қошидаги «Ўзбекнаво» эстрада бириламиси вилоят бўлими томонидан ташкилланган «Маржон» гуруҳи ўз концертини ўтказишда «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини четлаб ўтмоқчи бўлди. Яъни бўлим истеъмолчиларга тақдим этилган афишалариде «Фонограммалар фойдаланилди» деган сўзлар ёзилмади, лекин концертда гуруҳ унда тўлиқ фойдаланди. Натижада маъмурият энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдориде, бўлим бошлиғи Х.Салимов эса энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробари миқдориде жарима тўлайдиган бўлди.

ИСТЕЪМОЛГА ЯРОҚСИЗ МОЛЛАР

Хукуматимизнинг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштироки кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори талаблари юзасидан жойларда мониторинг-кузатувлар ўтказилди. Оқибатда 5 ҳолатда «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси - «Ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг қайлиқ бузилиш ҳолатлари аниқланди. Фаллаорол туманидаги «Сарбозор» матлубот савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига қарашли С.Усаров раҳбарлигидаги 1-озиқ-овқат дўкониде яроқлилик муддати ўтиб кетган 46448 сўмлик маҳсулот сотувда эканлиги аниқланди. Раҳбарга энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баробари миқдориде жарима қўлланилди.

Баҳодир АБДУЛЛАЕВ, Жиззах вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» муҳбири

ҚИШЛОҚДА ЯНА БИР КОРХОНА

Янгиқўрган туманидаги Искавот қишлоғи вилоят марказдан қирқ чакирим олисда жойлашган. Шунга қарамасдан бу ерда саноат тармоқлари ривожланиб бормоқда. Хусусан, бу ерда гишт ишлаб чиқариш корхонаси узулсиз ишлаб турибди. Қишлоқ марказдиги нон ва нон маҳсулотлари корхонасининг ишга тушурилиши эса уй бекалари мушуқлини осон қилди. Корхонада булқадан ташқари, беш-олти турдаги нон маҳсулотлари тайёрланаптир.

«ШИМАДЗУ»НИНГ ЯНГИ УСКУНАЛАРИ

Шимадзу компанияси асосан халқ ҳўжалигининг уч йўналиши бўйича юксак технологияли асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаради, - деди компаниянинг тиббий маслаҳатчиси Александр Науменко «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Компания шунингдек бугунги кунда тиббиёт соҳасида юксак технологияли асбоб-ускуналарни етказиб бериш борасида ҳам етакчилик қилмоқда. Унинг Европа, Осиё ҳамда Австралия мамлакатларида ваколатоналари очилган бўлиб, йиллик даромади 2*миллиард АКШ долларини ташкил этади.

А. Науменконинг эътирофи эътишда, компания фойдалан тушадиган маблагнинг 7,8 фоизини янги технологияларни яратишга сарфламоқда. Ўзбекистонда эса ушбу компаниянинг етакчи маслаҳатчилари фаолият олиб бормоқда.

Анжуманда Шимадзу компаниясининг Германиядаги ваколатонаси экспертлари рентгенология ва ултраовуш ташхисида фойдаланиладиган янги технологиялар ҳақида маълумот бердилар. Шунингдек, замонавий ултраовуш технологиялари хаёфли усма касалликларини барвақт аниқлашда ва аҳолини соғломлаштиришда ўзининг самарали натижасини бераётганлигини таъкидлашди. «Она ва бола» дастуриде кўрсатилган скрининг марказларида ултраовуш хизмати тақомиллаштириш ва ихтисослашган тиббий хизматни ривожлантириш масалалари қўриб чиқилди. «Туркистон-пресс»

Абдусами ХАКБЕРДИЕВ, «Ишонч» муҳбири

Тармоқ касаба уюшма қўмиталарида



ЭХТИЁДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ

Яккабоғ туманидаги "Киргизтепа" гишт ишлаб чиқариш хиссадорлик жамиятида тайёрланган гишлар ўзининг сифати билан Қашқадарё қурувчиларининг тилига тушган.

Бионинг сифатли, гўзал чиқишида сифатли гишнинг ўрни бошқача бўлади, - деди қорхона раҳбари Исмоил Мухаммадиев "Туркистон-пресс" мухбирига. Сифатли гишт ишлаб чиқаришга мос қилиб, Қирғизтепа массивини ўзим танлаганман. Гишт учун тупроқни шу ернинг ўзидан оламиз. Ун икки йилдирки воҳамиздаги қурилиш ташкилотлариға сифатли безакли гишт етказиб берамиз. Қорхонамизда энг замонавий ускуналар ўрнатилган. Қорхонадаги барча цехларга газ билан ишлайди. Ишлаб чиқариш ҳажми бир ярим баробарга ошди.

И. Мухаммадиевнинг таъкидлашича, яқинда яна бир янгиликка қўл урилди. Гиштин силлиқлайдиган замонавий ускуна ўрнатилди. Натижада маҳсулотнинг тури кўпайди. Фойдаланилаётган бир гектар тупроқ захирасидан Тошкентдаги илмий-тадқиқот институти мутахассислари тавсияси билан гишт тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу боис, маҳсулот давлат стандарти талабларига тўлиқ жавоб беради.

Ўтган йили олти миллион йигирма уч минг донга сифатли гишт пиширилиб, 60 миллион сўм даромад олинди. Жамоа аъзолари бу йил 100 миллион сўмлик гишт ишлаб чиқариш билан йилни якунлаштириш кўзламоқда. Фойда эвазига мана шу қишлоқда спорт мажмуаси қуриш, спорт мураббийларини тақлиф қилиш, бундан ташқари қам таъминланган оила-ларнинг фарзандларига бир миллион сўмлик қув дарслиқлари олиб беришни режалаштирляптимиз. Ишонманки, йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлаймиз.

Ўзбекистон енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси «Обод маҳалла» йили муносабати билан яқинда қорхона ва ташкилот бадий жамоалари ўрта-

БАНК ЛИЗИНГИ - ҚУЛАЙ ИМКОНИАТ

«Тадбиркорбанк» акциядорлик тижорат банки кейинги йилларда кичик ва ўрта бизнесни, жумладан, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Банк истеъмол бозоридаги фаолиятини янада кенгайтириш борасида юридик ва жисмоний шахслар учун кенг қўламли хизмат кўрсатишнинг қулай усулларини йўлга қўймоқда. Жумладан, «Лизинг тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ 2002 йилнинг сентябрендан бошлаб тизимдаги банк бўлимларида молиявий лизинг муносабатларини кенг жорий этишга киришилди.

Бунда банк, асосан, қишлоқ хўжалиги секторини, яъни ширкат ва фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш, иш самардорлигини ошириш ва ерга ишлов беришни енгиллаштириш мақсадига трактор эҳтиёт қисмлари молиявий лизинг хизмати асосида фойдаланишга берилаётган қўмаклашмоқда.

«Тадбиркорбанк»да лизинг операциялари қўламини кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида марказлашган фонд билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Нуралӣ ЭШҚУВВАТОВ ўза мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:

Иқтисодий ривожланиш даврини бошидан кеираётган ёки айланма маблағлари камроқ бўлган қорхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар лизинг хизматидан фойдаланиши мумкин. Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ерга ишлов беришни тақомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун янги техника ва технологияни жалб этиш талаб этилаётир. Қишлоқ хўжалигининг асосини ташкил этувчи ширкат ва фермер хўжаликларининг барчаси ҳам ҳозирча янги техника ва технология сотиб олиш қурбига эга эмас. Шу боис ширкат ва фермер хўжаликларининг лизинг муносабатларига эҳтиёжи катта.

Лизинг усули миқозларимизга ишлаб чиқариш жараёнида янги техника ва эҳтиёт қисмларидан фойдаланиш имкониятини беради. Лизинг объекти фойдаланишга берилгунча қадар бўлган харажатлар ҳамда фойдаланишга топширилаётганда аниқланган нўсозликларни бартараф этиш лизинг бериучи томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, лизинг объекти шартнома муддатида асосий воситалар сифатида балансга кирим қилинади. Натижада, хўжаликлар мулк солиғи тўлашда имтиёзга эга бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектлар лизинг объектларини олиш учун жойлардаги банк бўлимларимизга лизинг буюртманомаси, молиявий ҳисоботлар, пул оқими мажбурий кўрсатилган бизнес-режа ҳамда лизинг объектини қайтмаслик хавфининг олдини олиш учун таъминот туридан бирини тақдим қилиши лозим. Жойлардаги бўлимларимизнинг Эксперт кредит қўмитаси томонидан миқозларнинг лизинг объектига бўлган эҳтиёжи, имконияти ҳамда тўлов қобилияти ўрганиб чиқилади ва ижобий деб топилганларга шартнома асосида лизинг объекти фойдаланишга берилади.

Бугунги кунда банкимиз томонидан миқозларга 472,6 миллион сўмлик лизинг хизмати кўрсатилди. Уларга 192 донга трактор мотори ҳамда бошқа эҳтиёт қисмлар фойдаланишга берилди. Бундан ташқари, трактор ва трактор прицеплари учун шина ва бошқа турдаги эҳтиёт қисмлар берилиши ҳамда иқтисодиётимизнинг бошқа реал секторларига ҳам лизинг муносабатлари асосида хизмат кўрсатилиши режалаштирилмоқда.

(Ўза).

БИЗИНГ ТОЛАГА ОЛТИН СОВРИН

«Қашқадарёпахтасаноат» худудий ақиддорлик бирлашмаси Бутунжаҳон сифат қўмитасининг «Сифат маданиятини яратиш» дастури бўйича таъсис этилган олтин совринга сазовор бўлди. Швейцариянинг Женева шаҳрида бўлиб ўтган мазкур қўмитанинг 5-анжуманида турли соҳаларда энг юқори сифат кўрсаткичига эришган қорхоналарни тақдирлаш маросимида «Қашқадарёпахтасаноат» худудий ақиддорлик бирлашмаси раҳбари Рустам Жўраев Бутунжаҳон сифат қўмитаси раҳбаридан олтин совринни қабул қилиб олди.

Ақиддорлик бирлашмаси қорхоналарида ишлаб чиқилган пахта толасига хо-

рижда талаб ортиб борапти. Айниқса АҚШ, Швейцария, Франция, Австрия, Италия, Германия, Англия, Бельгия мамлакатларининг буюртмачилари Қашқадарё пахта толасининг сифатини юқори баҳолаб, ҳамкорлик истгани муस्ताҳкамлаш ҳақида фикр билдиришмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бу олтин соврин Қашқадарё деҳқонининг меҳнатига берилган юксак мукофотдир, - деди «Қашқадарёпахтасаноат» худудий ақиддорлик жамиятининг раиси Рустам Жўраев — «Туркистон-пресс» мухбирига. 166 мамлакат ичидан голландия, қувонмай бўладими? Қолаверса, қанча-қанча мамлакат вакиллари бизнинг толамизга харидор бўлаётир.

ОБЪЯВЛЕНИЕ

Наблюдательный совет СП «Газалкент Ойна» доводит до сведения акционеров о проведении Общего собрания акционеров 30 июня 2003 года в 10:00 в здании клуба СП «Газалкент Ойна» по адресу: Ташкентская область, Бостанлыкский район, посёлок Искандер, улица Фурката, 51

ПОВЕСТКА ДНЯ:

- 1. Отчет Генерального директора СП «Газалкент Ойна» по итогам деятельности за 2003 года.
2. Утверждение заключения аудиторской проверки и отчёта ревизионной комиссии.
3. Утверждение баланса и распределение прибыли.
4. Утверждение положения о Наблюдательном совете СП «Газалкент Ойна».
5. Утверждение положения о наёмном руководителе СП «Газалкент Ойна».
6. Выборы в Наблюдательный совет.
7. Выборы ревизионной комиссии.
8. Утверждение бизнес-плана на 2003 год.
9. О вознаграждении членов Наблюдательного совета, ревизионной комиссии и правления СП «Газалкент Ойна».
10. Проведение размера Уставного фонда СП «Газалкент Ойна» в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан №3202 от 24.01.2003г. и внесение изменений, дополнений в Устав СП «Газалкент Ойна».
Регистрация акционеров проводится в здании клуба СП «Газалкент Ойна» 30 июня 2003 года с 8:00 до 9:30 часов.

Наблюдательный совет СП «Газалкент Ойна»

Республика Кўчмас мулк биржаси худудий филиалларида 2003 йил 26-30 май кунлари давомида сотилган объектларнинг савдо якунлари

Table with multiple columns: №, Объектнинг номи ва тавсифи, Бошланғич баҳоси (минг сўм), Сотилиш баҳоси (минг сўм), 1 кв.м.нинг сотилиш баҳоси (минг сўм), Территория (га), №, Объектнинг номи ва тавсифи, Бошланғич баҳоси (минг сўм), Сотилиш баҳоси (минг сўм), 1 кв.м.нинг сотилиш баҳоси (минг сўм).

2003 йил май ойида Республика Кўчмас мулк биржасининг аукцион, танлов ва биржа савдоларида сотилган кўчмас мулк объектларининг савдо якунлари ТАХЛИЛИ

Table with columns: №, Виллоятлар, Идора ва маъмурий бинолар, Ишлаб чиқариш бинолари, Савдо ва маиший хизмат бинолари, Чорвачилик ва деҳқончилик объектлари, Ижтимоий инфратузилма объектлари, Омборхоналар, Уй-жойлар.

Икки йилдирки, Наманган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича мамлакатда энг олдинги вилоят, деб тан олинмоқда. Хўш, вилоят қайси кўрсаткичлари ва ютуқлари эвазига шундай шарафга муяссар бўлаётми?

Одатда у ёки бу вилоят ҳақида гап кетганида унинг ўзига хос жиҳатлари тилга олинади. Жумладан, Наманганнинг асрий чинорлари-ю

мусобақалар ўтказилаётганлиги учун ҳам наманганликлар ҳақли равишда фахрланадилар.

Шаҳар ҳуснига чиройли Холдек ярашиб тушган «Паҳлавон» спорт мажмуи ҳақида ҳар қанча гапирилса оз. Негаки, салкам 2 гектар майдонни эгаллаган бу спорт иншооти мўъжизали кўриниши-ю салобати билан хориждан келган меҳмонларни ҳам қийин қолдирмоқда.

ПАХЛАВОНЛАР «ПАХЛАВОН»ДА ЕТИШМОҚДА

шарқироқ сойлари, кўз етмас боғлари-ю гиламдек ёзилган гулзорлари таърифланади. Кейинги пайтларда булар қаторига шаҳар ва қишлоқларда қад кўтарайётган спорт иншоотлари ҳам қўшилиб боради. Зеро, тайрағоҳдан шаҳар марказига қараб юргангинада, даставвал Дўстлик кўчасининг чап томонида дунёдаги энг номдор футбол клублариникидан қолишмайди «Навбахор» уйингоҳига кўзингиз тушади. Ушбу уйингоҳ чиройли кўриниши-ю томошабинларга яратилган қулайликлари билангина эмас, энг замонавий техника ҳамда автоматик қурilmалар билан усунланганлиги жиҳатидан ҳам эътиборни тортади. Ундан салгина ўтсангиз шундоқ йил бўйида хашаматли теннис кортига рўбару бўласиз. Обруйи мутахассисларнинг юксак баҳосини олган ушбу спорт иншоотида сўнгги вақтларда халқроқ

Халқроқ андозаларга мос равишда 1998 йилда бунёд этилган бу иншоотда қатта теннис, баскетбол, волейбол, кўл тўпи, бокс, курашнинг барча турлари билан шуғулланиш, сузиш ҳавасида малака ошириш мумкин. Иброҳим Содиқов, Бахтиёр Ҳафизов, Бахтиёр Охунбоев ва Ғофур Солиев каби 15 нафар мураббий спорт ишқибозларига таълим бериш билан машғуллар. Шунингдек, бу ерда мактаб ёшига етмаганлар ва ёши катта спорт ишқибозлари ҳам ўзлари ёқтираётган жисмоний тарбия машқлари билан шуғулланишмоқда.

Қатор туманлар, ҳатто, ташкилот ва ҳўжаликлар қошида футбол, волейбол ва баскетбол жамоалари фаолият кўрсатмоқда. Яқинда Наманган туманининг Тошбулок шаҳарчасида фойдаланишга тўлиқ қулайликлар яратилди. Умуман, бугунги кунда вилоятда 29 та уйин-

гоҳ, 473 та спорт зали, 22 та сузиш ҳавзаси, 305 та отиш тири, 54 та теннис корти, бир жойда велотрек, 2 та отпочар, 571 та баскетбол, 1754 та волейбол, 375 та кўл тўпи, 563 та футбол, 422 та мини футбол майдончалари ишлаб турибди. Уларда 590 минг киши у ёки бу спорт тури билан банд.

Вилоятда барча спорт турларини ривожлантириш мақсадида 2002 йил-

да баскетбол, волейбол, кўл тўпи бўйича Олимпия захиралари БУСМ иш бошлади. Шунингдек, Учқўрғон туманида спортга илҳос қўйган болалар учун мактаб-интернат ташкил этилди. Маҳаллаларда ҳам соғломлаштириш мажмуаларини ташкил этиш юзасидан тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бўш ётган биноларда маҳалла болалари учун бокс, каратэ, кураш ва бошқа спорт турлари бўйича секциялар очилиб, маҳалла мутахассислар томонидан машғулотлар олиб боришмоқда. «Ал-помин» ва «Барчиной» тестларини кенг жорий қилиш амалга оширилмоқда. Ҳозиргача бу тестларни 470767 ўқувчи, 20550 талаба, 10040 ишчи-хизматчи топширишга эришти.

Вилоят спортчилари халқроқ мусобақаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Чунки, Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида наманганлик спортчилардан

Ибрат

бокс бўйича Тўлашбой Дониёров, велоспортда Жалдоқ Глеб, Владимир Тажолкин, Артём Шлиндин, чим устида хоккей бўйича Даврон Оқиллов, Максим Усмонов, Отабек Пирматов, Шухрат Мирхолдоршоев, Вадиим Котельниковлар муваффақиятли қатнашди. Бу йил тазквондо бўйича Астана шаҳрида ўтказилган Осиё биринчилигида Нодир Набиев биринчи ўринни кўлга киритди. Тошкент шаҳрида ташкил этилган болалар ва ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда Нодир Юнусов кубок соҳиби бўлди. Умуман, ўтган йил давомида вилоятда 700 нафар 1-разрядли, 110 нафар усталикка номдор, 10 нафар спорт устаси, 4 нафар халқроқ тоифадаги спорт усталари тайёрланди. Айни пайтда вилоятнинг 12 та спорт жамоаси Ўзбекистон чемпионатининг олий табақаларида қатнашиб, яхши натижаларга эришмоқда.

– Юртбошимизнинг вилоятимизга ташрифи чоғида «Паҳлавон» спорт мажмуасида бўлишлари бизни янада илҳомлантириб юборди, – деди суҳбатдошимиз вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Шокиржон Аҳмедов. – Мақсадимиз вилоятимиз ва Ўзбекистонимиз номи жаҳонга танилишига ҳисса қўшишдир.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири



ҲАР ОЙНИНГ СЎНГГИ ЯҚШАНБАСИ

оммавий спорт куни

Зафаробод туманида жисмонан соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилляпти. Мавжуд 83 та спорт майдончаси улар ихтиёрига бериб қўйилган. Бундан ташқари, 30 та волейбол, 11 та кўл тўпи, 10 та футбол, 12 та мини футбол, 18 та баскетбол майдончалари ҳам болалар спортини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.



бўлиб, уларда 14 минг 722 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олишаёпти. Уларнинг барчасида ёпиқ ва очик спорт майдончалари мавжуд. «Умид ниҳоллари»нинг туман босқичига барча

Ташаббус

ўқувчилар жалб қилинди. Энг қувонарли жиҳати шундаки, Мирзо Улуғбек номили 12-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари мазкур мусобақанинг вилоят босқичида спортнинг баскетбол тури бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллаб, республика беллашувида фаол иштирок этишди.

– Ҳар бир мактаб базасида спортнинг бирон бир тури бўйича тажриба-синов майдончаси ташкил этилди, – дейди туман ҳокими Зоҳид Омонов. – Масалан, Беруний номили 3-мактабда бокс, Мирзо Улуғбек номили 12-мактабда тазквондо, Ҳамид Олижон номили 1-мактабда кураш бўйича гуруҳлар очилди. Уларга ҳомий ташкилотлари бириктирилди.

Ҳар ойнинг охири яқшанбаси «Оммавий спорт куни» деб эълон қилинди. Етти ёшдан етмиш ёшгача барча ана шу муносабат билан ташкил этилаётган бокс, шохмот, шашка, футбол, баскетбол мусобақаларида иштирок этишмоқда. Обод маҳалла йилгига бағишланган бу тадбирларда, айниқса, «Саноатчилар», «Ўзбекистон» маҳаллалари ҳамда «Хулқар» кишлоқ фуқаролар йиғинлари ёшлар фаол қатнашди. Шунингдек, «Менинг оилам» широри остида ўтган энгил атлетика бахслари мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Дарвоқе, март-апрел ойларида кўпга хотира турнирлари, тумanning ташкил этилгани-

га 30 йил тўлиши муносабати билан спорт мусобақалари ўтказилди. Уларда вилоятдаги 12 та тумандан 16 та жамоа қатнашди. Волейбол бўйича Форш тумани жамоаси биринчи, зафарободликлар иккинчи, Арнасой тумани вакиллари учинчи ўринни кўлга киритишди. Футбол турнирида эса Зафаробод тумани газлаштириш идораси жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

– Болалар спортини ривожлантириш жағғармаларининг тузилгани гоят қувончли ҳол, – дейди «Болалар спортини ривожлантириш жағғармаси» туман бўлими етакчи мутахассиси Шухрат Имомов, – Негаки, миллатимиз келажаги, Ватанимиз куч-қудратини жисмонан бақувват, ақдан теран ёшлар белгилайди. Жағғармамиз фаолияти тобора оммалашиб, ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватловчи ҳомийлар сафи кўпаймоқда. Туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими, прокуратура, пахта тозалаш ҳисдорлик жамаиоти, «Пахтабанк» бўлими ва С.Раҳимов номили ширкат ҳўжалиги маъмуриятлари беминнат ҳомийлик ёрдамларини кўрсатишмоқда. Ўйлаيمانки, бу саъй-ҳаракатлар тез орада ўз мевасини беради, албатта.

Бўрибой НОРКУЛОВ,
«Ишонч» мухбири

СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

Касаба уюшма тадбири

СПАРТАКИДА

кўтаринки кайфиятда ўтди

Чироқчи туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан тармоқ ходимларининг IV спартакиадаи беллашувлари бўлиб ўтди. Спартакида иштирокчилари шохмот, шашка, мини футбол ва энгил атлетика бўйича мусобақалашдилар.



У. НАВРЎЗОВ,
«Ишонч» мухбири

Фаоллар ҳақида ҳикоялар

ТИНИБ-ТИНЧИМАС НАИМБОЙ

Орамизда шундай кишилар борки, нафақага чиққан бўлсада, ҳамон ором нималигини билмайди. Шофирконлик спорт жонқуяри Наим Сафаров ҳам ана шундай инсонлардан бири. Кетма-кет ўн йил энгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионлигини кўлга киритган Наим ака қарийб 17 йил туман спорт қўмитасини бошқарган.

Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жағғармаси тузиш тўғрисида»ги Фармонининг эълон қилиниши Наим акага янада қувват, куч бахш этди. Болалар спортини ривожлантиришга ўзини масъул деб билган кекса мураббий жағғарманинг туман бўлими билан ҳамкорлигини қўчатириди. Туман микёсида ўтказилаётган мусобақаларни уюштириш, кўнгилдагидек ўтказишда аввалгидан-да фаолроқ иштирок эта бошлади. Ҳар бир маҳалла болалари, ёшларини спортга жалб этиш, улар ўртасида оммавийликка эришиш учун тинмай қайғураётган ва шу эзгу ишнинг умрининг мазмуни деб билган бу фидойи инсонга сичи, кўнгиллик қатори биз ҳам ҳавас қилдик.

– Қани, ҳамма ҳам Наимжонга ўшаб спортимиз раванки учун жонбозлик кўрсатса эди, ким билсин, Осиё, жаҳон чемпионларининг яримси Ўзбекистондан чиқарилди, – дейди ярим ҳазил, ярим чим оҳангда Наим аканинг синфдоши ва маслакдош дўсти, вилоят тармоқ қўмитасининг раиси Юсуф Курбанов. – Ҳар ўл Шофирконга борсам, беҳиётёр, бирон-бир спорт тадбирининг устидан чиқаман. Не кўз билан кўрайки, тадбир ташкилотчиси ҳам, ташаббускори ҳам, ҳатто ҳомийси ҳам тиниб-тинчимас биродарим Наимбой бўлиб чиқади.

Ҳа, ташаббус ҳамма ерда ҳам қанот қоқармайди. У чинакам фидойилар бўлган жойдагина куртак отиб, япроқ ёзади. Қарангки, бевосита Наим аканинг ташаббуси ва иштирокида ҳозирга қадар туманда ўндан ортиқ йирик спорт тадбири ўтказилди. Уларда юзлаб, минглаб мактаб ўқувчилари, ҳатто болаларнинг жажжи тарбияланувчилари ҳам қатнашибди. Наим ака туғилиб ўсган «Хўжа Ориф» маҳалласига борсангиз, ҳар кунги спорт мусобақаси бўлаётганлигига гувоҳ бўласиз. Кунги буйи ташкилий ишлар билан машғул бўлиб, қадрдон маҳалласига ҳўла толиқиб қайтган Наим ака чарқоқларини ёшлар даврасида ёзади. Шинамгина спорт мажмуида юзлаб маҳалла ёшлари Наим ака билан бирга шижоат билан машғулотларини ўтказишади. Кўча чангилиб юришга бекорни фурсатининг ўзи йўқ. Шу бонсдан ҳам маҳалла энг кўркам, чирой очиб бораётган тарбия масканларидан бирига айланган. Яқин келажақда у чемпионлар маҳалласи номини олса, ажабмас.

Мухбиримиз «Болалар спортини ривожлантириш жағғармаси» Қашқадарё вилояти бўлимининг ихроци директори, кураш бўйича жаҳон чемпиони Баҳром Авазов билан амалга оширилган ишлар ҳусусида суҳбатлашди.

– Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жағғармасини тузиш тўғрисида»ги Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жағғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори жисмоний тарбия ва спортни оммавий ҳаракатга айлантиришга қаратилган, – деди Б.Авазов. – Қашқадарё дунёга доврўки кетган Исҳоқ Аҳмедов, Алишер Мухторов, Нодир Нодиржонова, Сарвиноз Эргашева, Нодир Хўжаев, Жавлон Маҳмудов, София Каспўлатова сингари халқроқ тоифадаги спортчилар ватани. Болалар спортини жағғармаси вилоят бўлими мақсад ва вазифаларидан қелиб чиқиб, кўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор бераёпти.

15 ЁШЛИ ЖАВЛОН беш қарра Ўзбекистон чемпиони

ҳалла ва қишлоқлардаги спорт иншоотларининг аҳволи ўрганиб чиқилди. Эскиларини таъмирлаш, янгиларини қуриш юмушлари бошлаб юборилди. Муборак шаҳрида 5 минг нафар ўғил-қиз спортнинг оғир атлетика, кураш, теннис, бокс, каратэ, дзюдо, футбол, волейбол, баскетбол турлари билан шуғулланадиган «Ёшлар спорт мажмуи» фойдаланишга топширилди. Мажмуага 30 миллион сўмлик спорт жиҳозлари олиб берилди. Қарши шаҳрида яшовчи тадбиркор ўткир Эркаев «Гулшан» маҳалласида лойиҳа қиймати 90 миллион сўмлик спорт комплексини барпо қилаёпти.

Касби туманидаги Алишер Навоий номили жамоа ҳўжалиги раиси Зикрийё Асроровнинг ташаббуси билан қиймати 150 миллион сўмлик спорт иншооти қад кўтараяпти. Узининг бағрикенглиги билан болалар спортини ривожлантиришга муносиб

Фурур

ҳисса қўшаётган саховатпеша инсонлар кўп. Касбилик Уктам Чориев, Қарши шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси Замира Пардаева, 31-ўрта мактабдан Х.Ҳафизова, 29-мактабдан М.Хидирова, 43-мактабдан Б.Орипов, Миришкор туманидан Раҳима Аббосова сингари юртдошларимиз шахсий жағғармалари ҳисобидан болалар спортини

Эндигина 15 ёшга қадам қўйган Жавлон Маҳмудов беш марта Ўзбекистон чемпиони бўлишга улгурди. Германиянинг Дрезден шаҳрида 18 ёшгача ўсмирлар ўртасида голибликни эгаллаган каратэ бўйича 1-ДАН қора белбоғ соҳиби, спорт устаси айни пайтда Қарши шаҳридаги 1-ихтирослашган мактабнинг 8-синфида таҳсил олаёпти. Бундай мисолларни кўпгаб келтириш мумкин.

Воҳазим йиғит-қизлари «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақаларида фаол қатнашиб келмоқдалар. Вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшмалари кенгашининг қўллаб-қувватлаши, ҳомийлар ёрдами билан янгиётган 200 дан ортиқ спорт иншоотлари барпо этилди. Бундай хайрли ишлар жисмоний тарбия ва спортнинг барча турларини юксалтириш, иродали ва эътиқодли, соғлом, хур фикрли, бақувват ёшларни тарбиялаш учун кенг йўл очади.


Сўхбатдош: **ИЗЗАТ ХИКМАТОВ,**
«Ишонч» мухбири

Обод маҳалла йилига бағишлаб ўтказилган спартакиада беллашувларида 120 нафардан ортиқ ўқитувчи ва ходимлар голиблик учун кураш олиб бордилар. Мусобақаларда айниқса, Амир Темур, Чўлпон, Э.Жўраев ва Ж.Эрбоев номили ўрта умумтаълим мактаблари вакиллари фаол иштирок этиб, совринли ўринларни кўлга киритишди.

– Энг ва масъулияти касб соҳиблари – ўқитувчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, шу орқали улар саломатлигини мустаҳкамлаш асосий вазифаларимиздан бири саналади, – дейди тармоқ ходимлари касаба уюшма туман қўмитаси раиси Абдирайим Ҳайдаволов. – Бугунги спартакиада ана шу хайрли мақсадга хизмат қилди. Қувончлисиз, беллашувлар кескин спорт курашлари ва шу билан бирга ўзаро дўстона кайфиятда ўтди.

Спартакиада якунида голиб ва совриндор жамоаларга, шунингдек, шахсий биринчилик беллашувларида голиб чиққан ўқитувчиларга тармоқ ходимлари касаба уюшма туман қўмитасининг фахрий ёрлик ҳамда қийматбахо эсдалик совғалари топширилди.

К.ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» мухбири



«Болалар спортини ривожлантириш жағғармаси» туман бўлими тузилиб, унга тажрибали мутахассис Шухрат Имомов етакчи этиб тайинланди. Жағғарма айни чоғда банкда ўз ҳисоб рақамига эга. Туман ҳокимлиги, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси, Маҳалла хайрия жағғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда ички ишлар бўлимлари билан ҳамкорликда кўпгаб мусобақалар уюштирилляпти. 27 та маҳалла ва 8 та қишлоқ фуқаролар йиғинларининг барчасида спортнинг бирон бир тури бўйича майдончалар барпо этилмоқда. Улар ҳомий ташкилотлар кўмағида спорт жиҳозлари билан таъминланаёпти. Туманда 24 та мактаб

Одатда кўпроқ пешқадамлар ҳақида сўз юритилди. Бу – табиий. Чўнқи у ёки бу мамлакат футболининг мактебини айналар – турнинг жадалини бошқариб бораётган ёки ана шу нуфузга эга бўлиш учун астойдил интилайётган жамоалар белгилайди.

АУТСАЙДЕРЛАР ҳам бўш келишмаяпти

Ушбу турда ҳам, албатта, шундай бўлди. Гарчанд ўз майдонида тўп сурган «Пахтакор»нинг Бекободнинг «Металлур» жамоаси устидан зафар кучини олдиндан башорат қилинган эса-да, Бухоро сафарига отланган «Нефтчи» учун осон бўлмастлиги тахмин қилинган, ҳатто Ю.Сарқисян шогирдлари масумда иккинчи мағлубият аламини тотиб қўриши ҳусусида фикр-мулоҳазалар билдирилган ҳам эди.

Йўқ, ундай бўлмади. «Бухоро» ўз мухлислари олқишлари остида майдонда ҳаракат қилганига қарамай, ҳамжиҳат рақибига айтарли қаршилик кўрсата олмади. Буни

1:4 ҳисоби ҳам тасдиқлаб турибди. «Пахтакор» эса «Металлур» дарвозасига жавобсиз тўрт тўп киритиб, муҳим уч очко эгасига айланди. Дарвоқе, бунгача тошкентликлар «Самарқанд-Д» жамоаси билан қолдирилган ўйинни ўтказиб, 3:1 ҳисобида устун келган бўлсалар, «Нефтчи» қомандаси «Андижон»ни 1:0 ҳисобида энгил, бу йил чемпионлик учун кураш сўнгги тургача давом этишини эсла-тиб қўйган эдилар. Агар келгуси турда «Нефтчи» – «Насаф» ва «Кизилқум» – «Пахтакор» учрашувлари ўтказилишини назарда тутадиган бўлсак, жангу жадал қизгин паллага кириб бораётганига яна бир қарра ишонч ҳосил

Футбол

Куйи погонани эгаллаб турган жамоалар ҳам ачина серкак тортиб қолганликлари кўзга ташланмоқда. Хусусан, Қувасойда маҳаллий «Цементчи» билан ўйнаган «Гулистон» мезбонлар дарвозасига киритилган ягона тўп эвазига охириги ўринни тарк этишга муваффақ бўлганини, шунингдек, ниҳоят «Трактор» меҳмонда илк галабани кўлга киритганини таъкидлаш лозим. «Қўқон-1912» ва «Трактор» ҳақида томоша-

бинлар еттига гол қўришди ва уларнинг тўрттаси тошкентликларга тегишлидир. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» – «Навбахор» - 3:2, «Дўстлик» – «Кизилқум» - 1:2, «Сурхон» – «Машъал» - 1:1, «Андижон» – «Самарқанд-Д» - 1:1. Қўришиб турибдики, бахслар болган сайин қизгин тус олмоқда.

11-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	11	10	1	0	31-6	31
2. «Нефтчи»	11	10	0	1	32-6	30
3. «Кизилқум»	11	7	2	2	20-9	23
4. «Насаф»	11	7	1	3	22-13	22
5. «Сурхон»	11	6	2	3	15-13	20
6. «Дўстлик»	11	5	3	3	13-15	18
7. «Навбахор»	11	4	4	3	14-11	16
8. «Самарқанд-Д»	11	4	1	6	15-17	13
9. «Машъал»	11	3	2	6	14-11	11
10. «Андижон»	11	3	2	6	10-12	11
11. «Цементчи»	11	3	2	6	11-18	11
12. «Металлур»	11	3	2	6	13-23	11
13. «Трактор»	11	3	2	6	14-29	11
14. «Бухоро»	11	3	1	7	16-20	10
15. «Гулистон»	11	2	1	8	7-26	7
16. «Қўқон-1912»	11	2	0	9	12-28	6

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

Махлими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган, ИВМ компьютерла тирлини да саҳифаланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.